



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG'OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 22 - aprel

844 -son

Bog'ot shaharchasi

**Тумандаги 16-сон “Кувонч” номли  
Ихтисослаштирилган мактабгача  
таълим ташкилотида 2 та болалар  
кечаю кундуз бўладиган гуруҳлар  
ташkil қилиш тўғрисида**

Давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган коррекция ишларни яхшилаш, туманда жисмоний ва психик ривожланишда нуқсонли бўлган болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш мақсадида ҳамда бу юзадан туман мактабгача таълим бўлимининг 2021 йил 2 апрелдаги 01-01/6-2-466-сонли сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасига асосланиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.Тумандаги 16-сон “Кувонч” номли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида жисмоний ва психик ривожланишда нуқсонли бўлган болаларни тарбиялаш ва соғломлаштириш мақсадида болалар кечаю кундуз бўладиган 2 та гуруҳ фаолиятига рухсат қилинсин.

2.Туман мактабгача таълим бўлими (Ж.Искандаров)га:

Ташкил қилинадиган гуруҳларнинг моддий техника базасини яратишда амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

3.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Яхшибаев